

АНТИҚА  
"ВАКОЛАТ"

"МАҲЛИЁЛИК" ЖАБРИ

СУД ҚАРОРИНИНГ  
АДОЛАТЛИЛИГИ

БҮЮК ГУНОҲҚОР  
ВАСИЯТИ

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!



# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 26  
(382)  
2004 йил  
6 ИЮЛ  
сешанба

Сотувда эркин нархда

MEZONE

Фермер хўжалиги ихтиёрий равишда хўжалик бошлигининг қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувига ва туман ҳокимига ёзма мурожаати асосида ташкил этилади. Аризада сўралаётган ер участкасининг жойлашган манзили, майдони, фермер хўжалигининг таркиби кўрсатилади ҳамда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг бизнес-режиси тақдим этилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги масалани умумий мажлис муҳокама-сига киритади, умумий мажлис бу ҳусусда тегишли қарор қабул қилади. Туман ҳокими қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий мажлисининг қарори асосида, ер участкалари бериш масалаларини кўриш бўйича туман комиссиясининг ҳулосасини инобатга олган ҳолда фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Туман ҳокимининг фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарори туманнинг молиявий банк, солиқ ва бошқа тузилмалари учун мажбурий ҳужжатдир.

"ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА" ҚОНУН, 6-МОДДА.

## САЙЛОВ ВА САЙЛАНИШ МАСЪУЛИЯТИ

Жамият сиёсий ҳаётида ўзининг тутган ўрнига кўра сиёсий партиялар муҳим аҳамиятга эга. Сиёсий партиялар дастурларига биноан ижтимоий ҳаётдаги мақсад ва вазифалари турлича бўлса-да, улар жамиятда рўй бериши мумкин бўлган сиёсий муаммоларни ҳал этиш, турли сиёсий кучлар манфаатларини ҳамма қилишида етакчи кучлардан бири сифатида фаолият кўрсатади.

Маълумки, сиёсий партиялар инсоният яратган сиёсий, ҳуқуқий, философия, диний, бадиий тизимлар асосида ўз гоёларини яратади ва уни омма орасида кенг тарқатади. Шу билан бирга жамият аъзоларининг манфаатларини мумкин қадар кенгрок камраб олиб, улар қабул қиладиган ва маъқул-лайдиган максادلари амалга оширишга интилади.

Жамият ривожланган сари фаоллигига қараб муайян партиянинг мавқеи ортиб бораверади. Шунингдек, қайси бир жамиятда сиёсий партиялар ҳаракатда бўлмас экан, мазкур жамиятда фикрлар эркинлиги ҳам бўлмайди, бу ҳол эса жамият ривожига акс таъсирини кўрсатади.

Шу боис мамлакатимизда мустақиллик йилларида фуқаролик жамиятининг муҳим институти бўлган сиёсий партияларнинг демократик тамойиллар асосида фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган барча ҳуқуқий асослар Конституция ва бошқа қонунларда ўз ифодасини топди. Жумладан, қабул қилинган қонунларда сиёсий партияларни тўзиш, сиёсий партия фаолиятининг қанолати, фаолият кўрсатиш тамойиллари, партияга аъзолик, Низоми, рўйхатга олиш тартиби, партияларнинг мулк-ий муносабатларига доир барча ҳуқуқий мақомлари мужассамлаштирилган. Ва

булар Ўзбекистонда қўшма-қўшма тизимини шакллантиришга асос бўлади. Демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаган эканмиз, сайловлар-сиз ва сайловларда сиёсий партияларнинг иштирокисиз қуриладиган фуқаролик жамиятини тасаввур қилиб бўлмайди.

Сиёсий партиялар сайловларда мамлакат ҳаётига боғлиқ бўлган долзарб бў-нёдкор гоёларни илгари суради, ечимталаб муаммоларни ҳал қилиш йўллари партиянинг сайловолди да-стурига акс эттириб, халқ ишончини қозониш ва сайловчиларни ўз томонига олдириб олиш учун курашади. Сиёсий партиялар да-стурларидаги стратегик вази-фалар ва сайловолди ваъ-даларини (платформалари-ни) қонун чиқарувчи ҳамда давлат ижроия идоралари орқали амалга оширишга ҳаракат қилади. Шунингдек, улар ҳокимият бўлинмалари ва давлатнинг муҳим идо-раларига ўз намоёндалари-ни тақлиф этади ва сайлай-ди.

Маълумки, шу йилнинг 26 декабрида Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кен-гашларига сайловлар бўлиб ўтди. Шунингдек, 2002 йил 27 январда бўлиб ўтган ре-ферendum якунлари асосида мамлакатимиз Конституция-

сига киритилган ўзгартириш-ларга биноан Олий Мажлис икки палатали парламент ти-зимига ўтилади.

"Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида" ги конституциявий қонунга биноан "Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлиси-га сайлов тўғрисида" ги ва "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кен-гашларига сайлов тўғри-сида" ги қонунларга тегиш-ли ўзгартиришлар киритил-ди. Янги тахрирдаги қонун-га биноан ҳокимият вакил-лик идоралари парламент ва маҳаллий кенгашларга бу-рунгидек депутатликка ном-зодлар кўрсатмайди. Ном-зодлар кўрсатишга энди си-ёсий партиялар ва уларнинг жойлардаги тегишли идо-ралари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идо-ралари ва сайловчилар таша-ббуқор гуруҳлари ҳақи. Бу эса жамиятимизда сиёсий партияларнинг фаоллигини янада оширади.

Сайловларни демократик асосида сиёсий онглилик, ҳуқуқий маданиятлик асо-сида уюшқоқлик билан ўтқа-зишда Марказий ва жойлар-да сайлов комиссиялари, давлат ҳокимият идоралари, маҳалла-фуқароларнинг ўзи-ни ўзи бошқариш идоралари сиёсий партиялар зимма-сига ҳам катта масъулият юклаган.



Шу боис ҳам Адлия ва-зирлиги томонидан рўйхат-дан ўтган мавжуд сиёсий партиялар Миллий истиқлол ғоёсининг ватан раънақи, юрт тинчлиги, халқ фаровон-лиги, қишлоқ, овул ва шаҳарда-ги фуқароларнинг ўзини ўзи бо-шқариш идораларига сайлов ўтказилган эди. Бир қатор жойлардаги сайлов жараёни-нинг таҳлили шуни кўрсат-дики, баъзи сиёсий партия-лар аввалгидек Олий Маж-лиси сайловидоғина ўзини кўрсатиш "усули"дан хануз кутула олмаган.

Ўнди сиёсий партиялар сиёсий кураш майдонига фақат парламент сайловла-

рида голиб чиқиш учун ку-рашиш мақсадини кўзламас-лиги лозим.

Мамлакатимизда ўтган йилнинг ноябр-декабр ойла-рида Олий Мажлис Кенгаши қарорига биноан шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бо-шқариш идораларига сайлов ўтказилган эди. Бир қатор жойлардаги сайлов жараёни-нинг таҳлили шуни кўрсат-дики, баъзи сиёсий партия-лар аввалгидек Олий Маж-лиси сайловидоғина ўзини кўрсатиш "усули"дан хануз кутула олмаган.

Шу сингари ҳол рўй бер-

маслиги учун сиёсий парти-ялар халқ депутатлари вило-ят, туман ва шаҳар Кен-гашларига номзодлар тан-лаш, кўрсатишда ўта масъу-лият ва сиёсий стратегик жиҳатдан узоқни кўзлаган ҳолда ёндашишлари лозим. Парламентнинг юқори Пала-таси — Сенатга Қорақалпо-ғистон Республикаси Жўқо-ри Кенгаси, вилоятлар, ту-манлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик орган-ларининг қўшма мажлисла-рида мазкур депутатлар ора-сидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва

Тошкент шаҳридан тенг миқ-дорда олти киши сайлана-ди. Албатта, мазкур олти се-наторнинг ҳар бири муайян сиёсий партияга аъзо бўлган бўлиши мумкин. Бу эса ўз навбатида улар аъзо бўлган сиёсий партияларнинг сиё-сий ҳаётдаги мавқе ва ну-фузини оширишга хизмат қилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда Парламентнинг Қонун-чилик палатасига ва юқори Палата — Сенатга жойлар-даги вазиятни яхши билади-ган, ҳудуд ва мамлакат ман-фаатларини уйғунлаштира оладиган сиёсий, иқтисодий,

ҳуқуқий билимдон, маънавий пок кишилардан Қорақалпо-ғистон Республикаси Жўқо-ри Кенгаси, вилоятлар, ту-манлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик идо-ралари номзодлар кўрсатиш сиёсий партия ҳаёти учун ўта муҳим сиёсий жараён-дир.

Бунда сиёсий партия ва у кўрсатган номзод, яъни бўлажак депутат жамият, давлат олдида улкан масъу-лиятни бозорини теран ан-гламоғи лозим.

Райф ҒАҒФОРОВ,  
Б. ФАРМОНОВА

Ўтган йилнинг 21 ноябр кун Тўрақўрғон туманидаги Озёқ-овқат ишлаб чиқариш комбинатида назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2003 йил 2 октябр кундаги 3/1-Г-сонли режиси ҳамда Тўрақўрғон тумани Давлат солиқ инспекциясининг 2003 йил 12 ноябрдаги 348-сонли буйруғига асосан қисқа муддатли текширув ўтказилди.

Уни туман Давлат солиқ инспекциясининг Давлат солиқ назоратчилари Усмонов Уринбоев ва Баҳодир Тожибоевлар амалга оширади. Текшириш Озёқ-овқат ишлаб чиқариш комбинати томонидан 2000-2001 йилларда савдо фаолияти бўйича ҳисоботларда 25 фоизли ягона солиқ базасини 3463,8 минг сўмга камайитириб кўрсатгани, 2000-2001 йиллардаги фаолияти бўйича пенсия жамғармасига 07 фоизли ажратмадан ҳисоботга нисбатан 72,2 минг сўм қўшимча, ягона йўл жамғармасига ҳисоботга нисбатан 106,4 минг сўм қўшимча ва 2000-2002 йиллардаги фаолияти учун даромад солигини ўз вақтида ўтказиб берилмагани аниқланади. Текширувчилар текшириш натижалари бўйича ўша куннинг ўзида дипломатнома тузишди. Орадан икки кун ўтиб туман Давлат солиқ инспекциясининг молиявий жазо чораларини қўллаш ҳақидаги қарори кучга киради. Унда туман Озёқ-овқат ишлаб

чиқариш комбинатида 3642400 сўмлик солиқ ва 3865300 сўмлик молиявий жарима қўлланиб, давлат бюджетига 7507700 сўм ундирилиш белгиланган эди.

Мазкур қарор комбинат бошлиғи

## ҚОНУН ТАЛАБИ

У АНГЛАШИЛМОВЧИЛИКНИ КЕЧИРМАЙДИ

О.Иброҳимовнинг норозиликка сабаб бўлди. У қарорга қонуний баҳо беришни сўраб мутасадди идораларга, шу жумладан, Адлия вазирлигига мурожаат этади.

Шу ўринда ҳақиқат тугиладди: Хўш, Тўрақўрғон тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан Озёқ-овқат ишлаб чиқариш комбинатидаги нисбатан устама ва молиявий жарима қўллашда амалдаги қонунчиликка қан-

чалик ривоз этилган? Мазкур саволга Наманган вилояти адлия бошқарма-си ходимлари аризани ўрганиш жараёнида аниқлик киритишди.

Озёқ-овқат ишлаб чиқариш комбинати ишлаб чиқариш фаолияти билан шугулланган боис солиқ тўлов-чи сифатида соддалашган солиқ ти-зимини бўйича 1999 йилдан ягона солиқ тўлови ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сонли қарори билан тасдиқ-ланган "Микрофирмалар ва кичик

корхоналар учун солиқ солишининг соддалаштирилган тизимини қўллаш Тартиби"нинг 3-бўлими 1-бандига асо-сан Озёқ-овқат ишлаб чиқариш ко-бинати айти тушумдан ягона солиқ тўловчи сифатида эътироф этилган. Ушбу тартибнинг 3-бўлими 2-бан-дида эса айти тушум тартибига ки-радиган даромадлар кўрсатилган бўлиб, унга қўша маҳсулот (иш, хиз-мат)ларни сотишдан олинган тушум

Ажаб савдолар

маблаг, сотилган мол-мулк қиймати ва бошқа хизматлар, молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ҳамда бошқа даромадлар ялли тушум тар-кибига кириши белгиланган.

Хўш, шундай экан, солиқчилар озёқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқарув-чиларини нимага асосан молиявий жаримага тортган? Урганишда маъ-лум бўлдики, Озёқ-овқат ишлаб чи-қариш комбинати томо-нидан 2001 йилнинг апр-ел ойида комбинат ба-лансидан бўлган 6930000 сўмлик асосий восита-лар 10 миллион сўмга сотилган. Сотилган асо-сий воситалардан фарқ маблаг ҳисобига 3070000 сўм даро-мад олинган. Ушбу олинган даромад Озёқ-овқат ишлаб чиқариш комбинати-нинг 2001 йил 2-чорак учун топи-рилган молиявий натижалар тўғриси-даги ҳисоботнинг асосий фаолияти-нинг бошқа жараёнлардан олинган даро-мадларни қисмида кўрсатилган. Ушбу маблаг 2001 йилнинг 3 ва 4-чорак ҳисоботларида ҳам ўз аксини топган. Бироқ солиқчилар озёқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни мана шу жойда "илинтийришган".

(Давоми иккинчи бетда)

Huquqiy ma'rifat

Қонунчиликка биноан истеъмолчи сифати ва хавфсиз товар харид қилишга, товар ҳақида тўлиқ маълумот олиш ҳамда etkazилган зарарни ундириш ҳуқуқларига эга. Бу ҳуқуқлар орасида etkazилган маънавий зарарни ундириш алоҳида аҳамият касб этади.

## ХОЛИСЛИК ВА КАСБ АҲЛОҚИ

ёхуд маънавий зарар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир айрим мулоҳазалар

Етказилган маънавий зарарни ундириш ҳуқуқи юзага келиши учун зарар etkazувчи-нинг ҳаракатида қуйидаги тўртта юридик таркиб мавжуд бўлиши керак: а) маънавий зарарнинг мавжудлиги; б) зарар etkazувчининг ҳуқуққа хилоф ҳаракати; в) содир этилган ҳаракат ва etkazилган маънавий зарар орасидаги сабабий боғ-

ланиш; г) зарар etkazувчининг айбини исботлаш.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ом-мавий ахборот воситаларининг самарали фаолият кўрсатишига кўмак берувчи қонун-ий асосларни яратиш борисида бир қатор ишлар амалга оширилди.

(Давоми учинчи бетда)

Saboq

Тадбиркорлик тараққиётини банклар хизматисига тасаввур этиб бўлмайди. Банклар фаолиятида ибратли ишлар кўп бўлса-да, баъзан улар томонидан жиддий қонунбузилишлар-га ҳам йўл қўйилмоқда. Қуйидаги мисол бунинг исботидир.

## БЕМАВРИД "ҲОТАМТОЙЛИК"

У КИММАТГА ТУШДИ

Дўстлик туманидаги "Сомон йўли" фермер хўжалиги "Халк-банки"нинг туман бўлими билан 2003 йил 17 октябрда банк ҳисоб varaги шартномасини имзолаган. Шартномага биноан банк миқзога кенг қўлмада ҳисоб-китоб ишларини, каса ҳисобларини бажариши, унинг (миқозининг) талабларига биноан амалдаги қонунларда кўзда тутилган барча ҳисоб-китоб иш-ларини қўрсатиш мажбуриятлари-ни ўз зиммасига олган. То-монлар ўртасидаги банк ҳисоб-китоб varaги шартномасининг 5,2 бандига биноан Дўстлик ту-ман халқ банки миқозининг ҳисоб рақами бўйича барча опе-рацияларни ўз вақтида тўғри олиб бориш учун бевосита жа-вобгар ҳисобланади. Шунинг-дек, фермер хўжалиги раҳбарин-нинг руҳсатисиз унинг ҳисоби-даги пулини бошқа (фермер хўжалиги) ҳисоб рақамига ўтқа-зишга йўл қўйилмаслиги қайд этилган. Бироқ банк бўлими бо-шқарувчиси А.Хайитбоев ва бо-шқарувчиси Р.Бозоров шартнома шартларини қўпол равишда бу-зиб, жиддий қонунбузилишга йўл қўйишди. Аниқроқ айтган-

да, ўтган йилнинг 6 ноябр кун "Сомон йўли" фермер хўжали-гининг ҳисоб рақамидоғи 768287 сўм маблаг банк ҳис-обларини томонидан асоссиз ра-вишда "Дўстликдонмаҳсулотла-ри" ҳиссадорлик жамияти ҳис-обига ўтказиб юборилган. Бун-дан норози бўлган "Сомон йўли" фермер хўжалиги раҳбари вилоят хўжалик судига ноқонуний ўтказиб юборилган маблагни ундириб беришни сўраб муро-жаат этди.

Халқимизнинг "Беларволик бел синдирар" деган нақли бор. Хўжалик суди фермер хўжалиги даъво аризасини қонуний ва асосли деб ҳисоблаб, хусусий ажрим чиқарди ва даъво қис-ман қаноатлантирилди. "Халк-банки"нинг Дўстлик туман бўли-мидан 384143 сўм жарима, "Дўстликдонмаҳсулотлари" ҳис-садорлик жамиятидан 768287 сўм маблагни ундириш ҳақида қарор қабул қилди. Шунингдек, банк бўлимидан давлат божи ва бошқа ҳаражатлар ҳам ундири-ладиган бўлди. Чунки шартно-мада миқоз ҳисобидоғи пул

## ТАСДИҚЛАНГАН ОДИЛЛИК

Huquqiy himoya

Баъзи раҳбарларга ишин-гида нега унум йўқ десангиз, турли вахталарни рўқча қилади. Лекин вазиятни ўнглашни сира ҳавлларига ҳам келтирмайди. Ушбу фикрга Гулистон ту-манидаги Улугбек номидаги ширкат хўжалигинида фермер хўжалиқлари ташкил этиш учун ўтказилган тендер танлови натижалари асос бўлди. Унга эса бир фермер хўжалигининг тугатилиб, ери "кимошди" сав-досига тушиб кетгани, ундан эса хўжалик аъзолари четда қолиши сабаб бўлди. Гап шун-даки, 1999 йил декабрда ту-ман ҳокими М.Эганназаров-нинг аралашуви туфайли Улу-бек номидаги ширкат хўжали-гининг чигит экиш учун ҳайдаб қўйилган, бугдой экилган 57 гектар ерида "Йулчи ота" дех-қон фермер хўжалиги ташкил этилди. Орадан тўрт йил ўтса-да, ушбу фермер хўжалигининг ширкатдаги фойдаси теғмадиги.

Ҳайдашга ширкатнинг ўғити, суви, техникасининг фойдала-ниб, 3940 минг сўмдан ошқун-рок қарздор бўлди. Охири ўтган йил февралда фермер хўжа-лиқ раҳбари ариза ёзиб, шир-катга ерни қайтариб берди. Дала ҳам у аввал олгандек ахволда, яъни дон экилган, ер ҳайдалган эди. Ширкат раиси А.Шомуродов вакиллар йиғилишини чақириб, фермер хўжалиги ерини уч ки-шига оила пудрати асосида фаолият юритиши учун бўлиб берди. Гофур Абдуллаевага 20,5, Олим Мирзақуловга 21,5 гектар, Муҳаммадҷон Исмои-ловга 24,4 гектар ер теғди. Уларга ер шартнома асосида 2005 йилгача берилди.

Ушбу пудратчилардан М.Ис-моилов ва О.Мирзақулов гал-ла ери текканидан хурсанд бўлиб, роса тер тўкиб меҳнат қилишди. Лекин галла ўрими-га келгач, ҳафсалалари пир

бўлди. Яна туман ҳокими М. Эганназаровнинг кўрсатмаси билан галла сотиш "Йулчи ота" фермер хўжалиги ҳисобига топширилди. Эндиги умид бу йилги ҳосилда қолди.

Бироқ йил охирига келиб вазият яна ўзгарди. Улугбек номидаги ширкат хўжалиги ту-гатилиб, унинг негизида фер-мер хўжалиқлари тузиладиган бўлди. Бунгача ҳам учала пуд-ратчиларимизнинг кунгли тўқ эди. Чунки улар ўтган ёздаёқ фермер хўжалиги тўзиш учун ҳақида ширкат хўжалиги умум-ий йиғилиши ва кишлоқ фу-қаролар йиғини қарорини чи-қариб олишганди.

Ширкат хўжалиги ўрнида фермер хўжалиқлар тузилади-ган бўлгач, оилавий пудратчи-лар ери ҳам умумий қилиб тендерга қўйиб юборилди. Бу — кимда имконият кўп, яъни автомашина, трактор, ишлов-

ҳимилигида барқ уриб кенгайиб бораётган экан, деган саволга сиз ҳам жавоб топ-дингиз, албатта.

Энди асосий масала — бу фермер хўжалиги қандай қилиб, тендерга қўйилган, қўп балл тўплаганига назар таш-лаб, Вазирлар Маҳкамаси-нинг 2002 йил 5 январдаги "Қишлоқ хўжалиги корхона-ларини фермер хўжалиқлари айлантириш чора-тад-бирлари тўғрисида" ги қаро-ри билан тасдиқланган 5-ило-васидоғи тартибнинг 3.1 бан-дида "танловда иштирок этиш ҳуқуқига қайта ташкил этиш тўғрисида" ги қарорига биноан ҳисоб рақами бўйича барча опе-рацияларни ўз вақтида тўғри олиб бориш учун бевосита жа-вобгар ҳисобланади. Шунинг-дек, фермер хўжалиги раҳбарин-нинг руҳсатисиз унинг ҳисоби-даги пулини бошқа (фермер хўжалиги) ҳисоб рақамига ўтқа-зишга йўл қўйилмаслиги қайд этилган. Бироқ банк бўлими бо-шқарувчиси А.Хайитбоев ва бо-шқарувчиси Р.Бозоров шартнома шартларини қўпол равишда бу-зиб, жиддий қонунбузилишга йўл қўйишди. Аниқроқ айтган-

(Давоми иккинчи бетда)

**Табдиркорлик соҳасида ҳисоб-китоб ишларининг ўз вақтида амалга оширилмаслиги, шартнома шартларида риоя этмаслик қардорликни юзага келтириб ва у юридик нуқтаи назардан қонунобузлик ҳисобланади. Бозор иқтисодий шартларида қардорлик ҳолати ҳар иккала томон учун ҳам зарар келтиради. Ҳисобни билмаган икки марта тўлайди, деган нақл бекорга айтилмасан. Чунки мажбуриятни бажаролмасан томон вақти ўтиши билан қарзини ортириши билан тўлайди. Ўз пулини ололмаётган субъект эса режалаштирган ишларини ўз вақтида амалга оширолмайди.**

# ҚАРЗ УНДИРИЛДИ

Ана шу тарзда турли баҳоналар билан ҳамқорни сарсон қилаётган, махсусот ёки хизмат ҳақини тўлашга келганда лафзсизлик қилаётган қорхоналар онда-сонда бўлса-да, учраб туради. 2001 йил 8 ноябр кунги 176-сонли шартнома тузилган. Унга биноан "Чиноз пахта тозалаш заводи" акциядорлик жамияти ва Амир Темур номидаги ширкат ҳужжалиги ўрта-

сида 2002 йилда акциядорлик жамиятига 947 тонна пахта етказиб бериш ва олинган олинган бўнак пулининг топширилган махсусот эвазига ўзини, "Чиноз пахта тозалаш заводи" акциядорлик жамияти эса топширилган махсусотни давлат андо-заларига мос равишда қабул қилиш ҳақида сифат кўрсаткичлари бўйича баҳолаган ҳолда ҳақ тўлаш, якуний

ҳисоб-китоб ишларини 2003 йилнинг 1 майига қайта амалга ошириш мажбуриятини олган. Ширкат ҳужжалиги шартнома бўйича зиммасига олган мажбуриятини ортири қилган бажариб, жами 961 тонна пахта хомашёси етказиб берган. Қорхона томонидан топширилган пахта-ни қайта ишлаш натижасида олинган тола ҳисобидан ҳужжаликка

164.400 сўм қўшимча маблаг ҳисобланган. Бироқ "Чиноз пахта тозалаш заводи" акциядорлик жамияти охириги белгиланган муддат — 2003 йил 1 майгача ширкат ҳужжалиги билан ҳисоб-китоб қилмаган. Натичада 20 фозис ҳисобидан 18.039.600 сўм маблаг ўз вақтида қайтарилмаган ва ҳужжалик зарар кўришига сабабчи бўлган. Ушбу ҳолат "Тошкентпахта-

саноат" бирлашмасидан берилган маълумотнома ва солиштирма далолатномаси билан тасдиқланган. Бу эса ширкат ҳужжалиги аъзоларида ҳақли норозилик уйғотди. Улар номида Фозил Мавлонов Адлия вазирлигига шикоят хати ёзди. Унда шундай жумлалар бор: "Даромадга яраша — буромад, деганларидек, ширкат ҳужжалигида қаровисиз ётган стадион 1.800.000 сўм эвазига қайта таъмирланди. Спорт жихозлари ва кийим-кечак сотиб олинди. Ҳозир стадионда болалар ва ўсмирлар ўртасида турли мусобақалар ўтказилмоқда. Шунингдек, ширкат ҳужжалиги ҳисобидан қишлоқ йўллари таъмирдан чиқарилиб, техникалар сони ошди... Агар "Чиноз пахта тозалаш заводи"дан ўз вақтида меҳнат ҳақимизни олганимизда эди ҳужжалик худудидидаги иккита мактаб ва 2 та болалар боғчасини таъмирлаган бўларди. Афсуски режимида амалга ошмай қолди..."

Кўриниб турганидек, ҳужжалик аъзолари қишлоқдаги муаммоларни бартараф этишга астойдил киришилган, лекин ҳужжалик ўзи ишлаб олган маблагларни ўз вақтида ололмаётгани панд берган. Тошкент вилояти адлия бошқармаси ўрғаниш мобайнида шикоят хатида келтирилган далилларни асосли, деган хулосага келди ва шу йилнинг 12 апрел кунини вилоят ҳужжалик судига ширкат ҳужжалиги манфаатларини қўлаб даъво аризаси киритди. Суд Амир Темур номидаги ширкат ҳужжалиги ҳисобига "Чиноз пахта тозалаш заводи" акциядорлик жамияти ҳисобидан 18.039.600 сўм асосий қарз ва 1.803.960 сўм устима ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди. Шу тариха деҳқоннинг ҳақи қўймайдиган бўлди. Энг муҳими, ундирилмаган қарз маблагни қишлоқ ободончилигига сарфланади.

**Рустам ХУДОЙҚУЛ,**  
"Инсон ва қонун" мухбири

## Mulohaza va tahlil

# ИМКОНИЯТ ВА МАСЪУЛИЯТ



Қорхона ёки ташкилотда иш тўғри ташкил этилса, ҳаёғанда муаммолар пайдо бўлавермайди. Иш мароми бир текисда, узлуқсиз давом этади. Ҳамқорлар билан ҳам орага совуқлик тушмайди.

"Ургутпилла" очик акциядорлик жамиятига ўтган йили омад кулиб боқмади. Бунга режалаштиришда ҳафсаласизлик қилинган ёки пиллани қайта ишловчи қорхоналар билан олинган пухта келишилмагани сабаб бўлди. Мисол учун айтадиган бўлсак, "Деҳқонбод" ширкат ҳужжалиги билан "Ургутпилла" очик акциядорлик жамияти ўртасида 2003 йилнинг 31 мартда пилла хомашёси етказиб бериш тўғрисида контрактация шартномаси тузилган. Шартнома шартига биноан ширкат ҳужжалиги 7400 килограмм пилла етказиб бериши, "Ургутпилла" очик акциядорлик жамияти эса пилла хомашёсининг 25 фозис миқдоридан олинган бўнак тўлаши, ҳақининг қолган қисмини пилла қабул қилиб олинган сўнг беш кун ичида ҳисоб-китоб қилиши лозим эди. Бундан ташқари, очик акциядорлик жамияти шартноманинг 3-4 бандига қўра, агар пилла хомашёси ҳақини вақтида тўлаш олмабса, кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмаган маблагнинг 0,4 фозис миқдоридан устима тўлашни ўз зиммасига олган. Шундай қилиб, ўтган йилнинг 26 июнига қадар ширкат ҳужжалиги пиллақорлари шартномада кайд этилган 7400 килограмм хомашёни ҳамқорларига етказиб беришди. Энди наваб "Ургутпилла" очик акциядорлик жамияти томонида қолганда келишувидида беш кун тўлаш эди. Ширкат ҳужжалиги раҳбарларининг Самарқанд вилояти адлия бошқармасига пилла ҳақини ундиришда кўмак сўрашларидан бошқа иложи қолмади. Вилоят адлия бошқармаси мутахассислари муҳим ҳажиматни атрофда ўрганишиб, "Ургутпилла" очик акциядорлик жамиятини ҳужжалик судига берди. Даъво аризасида ҳавобгардан 4 миллион 319 минг 978 сўм асосий қарз ва 2 миллион 159 минг 989 сўм устима ундириш сўралган. Суд ишчи кўриш чоғида асосий қарзини тўлиқ ундириш тўғрисида аниқ тўхтамга келди. Устамани ундиришда эса очик акциядорлик жамиятини мулкий аҳолини инобатини 326-моддасига асосланган, устаманинг яри — 1 миллион 79 минг 994 сўмини ундиришга қаратилган ҳал қилув қарори чиқарди. Ҳавобгардан даъвогар фойдасига жами бўлиб 5 миллион 399 минг 972 сўм ундириш тўғрисида суд қарори қабул қилинди. Давлат божи ва почта харажатлари ҳам жавобгар зиммасига юланди. Мулоҳаза қилиб қараганда, иш судлашганга етиб бормаслиги мумкин эди, деган фикр туғилди. Бунинг учун жамиятдаги пиллани қайта ишлаш қорхоналари билан шартномани вақтида тузиб, хомашёни тезда сотмоғи зарур эди. Суднинг мулкий аҳолини инобатга олгани жавобгар томон учун бир имконият бўлди. Энди улар ўз фаолиятларида ўзгариш ясабса керак, деб ўйлаймиз.

**Собир КУЛИЕВ,**  
хуқуқшунос  
**Ҳамид ЭҒАМ,**  
"Инсон ва қонун" мухбири

**Фуқаролик кодексининг 535-моддасида баён этилишича, ижара шартномаси бўйича ижарага бериучи ижарага олувчига ҳақ эвазига мол-мулкни вақтинча эгаллик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш учун топшириш мажбуриятларини олади. Мазкур мажбуриятни бажариш чоғида ижарага бериучи ҳам, ижарага олувчи ҳам шартномада ўз фойдасини топган шартларга амал қилмасе, қонунобузлик юзага келади.**

# РАД ЭТИЛГАН ДАВВОЛАР

Ғиждувонлик Абдурахим Сатторов 1999 йил 5 январда "Гулистон" ширкат ҳужжалиги билан шартнома тузиб, 1.30 гектардаги узузморни ижарага олди. 1998 йил 21 декабрда тузилган далолатномада узузморда 390 түп ток қўчати борлиги кўрсатилган. Аслида эса боғда 282 түп қўчати бўлган. 2001 йили боққа қўшимча 200 түп қўчат экилган. Абдурахим Сатторов ижара ҳақларини ўз вақтида тўлаган бўлса-да, ҳужжалик раҳбари ўтган йили боғни фуқаро Д.Тўраевага олиб беради. Бунга 2000-2002 йилда ҳосилдорлик паст бўлганини рўқча қилади. Шундан сўнг А.Сатторов узузморни қайтариб олиш, 120 минг сўмлик бой берилган фойда, 100 минг сўмлик маънавий зарарини ундириб беришни сўраб судга мурожаат этди.

Шикоят ёзишди. Яқинда фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти суди судлов ҳайъатида ушбу масала кўриб чиқилди. Судлов ҳайъати ҳал қилув қарорининг А.Сатторовга 1.30 гектар ерни олиб бериш, маънавий зарарини ундириш ҳақидаги ва "Гулистон" ширкат ҳужжалигининг ижарачи билан тузилган ижара шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги даъвосини рад қилиш ҳақидаги қисмини бекор қилди.

Ҳўш, бунга қандай асослар бор эди? Гап шундаки, ижарачига 390 түп узузмор қўчати далолатномаси асосида топширилган. Ижара шартномаси шартига қўра, А.Сатторов ижара ҳақининг 50 фозисини биринчи ойнинг 31 кунига, қолган қисмини ҳосил йиғиштириб олинган, 1 октябрдан тўлаши лозим эди. Бироқ ижарачи шартномага зид равишда 447805 сўмлик ижара ҳақини тўламаган. Шартноманинг 5.1 бандига қўра ижарачи тўлов муддати ўтказиб қорборилган ҳар бир кун учун тўланадиган маблагнинг 0,1 фозис миқдорида жарима тўлаши лозим.


Фуқаролик кодексининг 260 ва 261-моддаларига асосан қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қардор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул маблагни неустойка ҳисобланади. Маълумки, неустойка жарима ёки устима шаклида бўлади.

"Гулистон" ширкат ҳужжалиги ва А.Сатторов ўртасида тузилган ижара шартномасига қўра, ижарачи ижара ҳақини келишилган муддатларда тўлиқ тўламаган. Демак, ҳужжаликнинг А.Сатторовдан жарима ундириш тўғрисидаги талаби асосли. Биринчи босқич суди А.Сатторовдан ижара ҳақининг ҳар бир түплаганга кунини учун 0,1 фозидан 143279 сўм ундириш ўрнига 25 фозис жарима ҳисоблаб, 575132 сўм ундириб, хатолликка йўл қўйган.

Фуқаролик кодексининг 326-моддасига қўра, суд алоҳида ҳолларда қардор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўлаши лозим бўлган неустойкани қайтариш ҳуқуқига эга.

Бундан ташқари, "Гулистон" ширкат ҳужжалигининг даъво талаблари ҳам қисман қаноатлан-тирилди. А.Сатторовдан ширкат ҳужжалиги фойдасига 575.132 сўмлик ижара ҳақи ундирилиб берилди ва бундан ташқари Давонинг ижара шартномасини бекор қилиш қисми иш юритишдан тугатилди.

"Гулистон" ширкат ҳужжалиги раҳбарлари бу қарордан норози бўлиб, қассация тартибидида



## Taassuf

Абдурахим Сатторов турар жойида ижтимоий муҳофазатга муҳтож ҳам таъминланган оилалар рўйхатида туради. Судлов ҳайъати моддий жиҳатдан унинг аҳолини инобатга олиб, ширкат ҳужжалиги ижара ҳақини ўз вақтида ундириш чораларини кўрмаганини боис қонун талаб-лари доирасида ундирилган лозим бўлган жаримани қайтари-тирди.

2003 йил давомидида ижарачи ерда агротехник тадбирларни ўтказишда юзаси муносабатда бўлган. Тоқлар қўйилмаган, гов-лаб кетган, ерни бегона ўт бос-ган. Демак, ҳужжаликнинг А.Сат-торовдан жарима ундириш тўғриси-да талаби асосли. Биринчи босқич суди А.Сатторовдан ижара ҳақининг ҳар бир түплаганга кунини учун 0,1 фозидан 143279 сўм ундириш ўрнига 25 фозис жарима ҳисоблаб, 575132 сўм ундириб, хатолликка йўл қўйган.

**Зулайхо ХУДОЙБЕРДИЕВА,**  
хуқуқшунос  
**Валихон ЮСУПОВ,**  
"Инсон ва қонун" мухбири

## Ajab savdolar

# ҚОНУН ТАЛАБИ

### У АНГЛАШИЛМОВЧИЛКНИ КЕЧИРМАЙДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)  
Аниқроқ айтганда, Давлат солиқ инспекцияси балансидаги сотилган асосий воситаларнинг пулини (10 миллион сўм) савдо фаолиятини тўлатган тушуми ҳисобига ўтказган ҳамда мулк қиймати билан солиқ баҳоси ўртасидаги 3070300 сўмлик фарқ асосис ривожда ялли даромад деб ҳисобланган.

Шундан сўнг асосис равишда ялли даромад деб олинган ушбу маблагга нисбатан даромаднинг яширган деб, Солиқ кодексининг 135-моддаси 3-банди нотўғри қўлланлиб, юз фозис миқдорда жарима ва яширилган даромад маблагни ундирилгани белгиланган.

Бундан ташқари, Озёк-овкат ишлаб чиқариш комбинати фаолиятини текширишда комбинат томонидан 2000 йилда натура шаклида берилган 717,1 минг сўм иш ҳақиқа нисбатан даромад солиғини ўз вақтида бюджетга ўтказмагани ва 2001 йилда берилган 1012,9 минг сўм иш ҳақиқа нисбатан даромад солиғини ўз вақтида ўтказиб бермагани аниқлиниб, Солиқ кодексининг 135-моддаси 8-бандига асо-сан ўтказиб берилмаган маблагга ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,15 фозидан жами 175400 сўмлик устима ҳисобланган. Ҳолбуки, Солиқ кодексининг 135-моддаси 8-бандига эса солиқлар ва йўл-йўллар бўйича тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,07 фозис миқдорда устима ундирилгани белгиланган. Натичада устима маблаг 82429 сўм ортмиқа ҳисобланиб, Озёк-овкат ишлаб чиқариш комбинатига моддий зарар етказилган. Ушбу далолатнома-га асосан туман Давлат солиқ инспекциясининг 2003 йил 24 ноябр-даги молиявий жазо чораларини қўлаш ҳақидаги қарори билан туман Озёк-овкат ишлаб чиқариш комбинатидан даромад солиғини ўз вақтида ўтказиб бермаганилиги учун 278600 сўм устима ундириш нотўғри белгиланган.

Хуллас, туман Давлат солиқ инспекцияси Озёк-овкат ишлаб чиқариш комбинатига нисбатан ноқонуний равишда жами 6223029 сўм ортқ молиявий жазо чораси қўллаган. Шундан сўнг қорхонанинг ҳисоб рақамига "инкасса" топшириқномаси қўйилган, бу эса қорхона-га моддий зиён келтирилшига ва қорхона фаолиятининг тўхта-тиб қолишига сабаб бўлган. Қорхона етти ой мобайнида ўз фаолиятини тўхтатиб қўйгани боис 3.500.000 сўмлик моддий зарар кўрди.

Наманган вилояти адлия бошқармаси Тўрақўрғон тумани ҳужжалик ҳисобидидаги Озёк-овкат ишлаб чиқариш комбинати манфаатини қўлаб фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро судига шу йилнинг 15 июн кунини даъво аризасини киритди. Уйлаймики, мазкур ариза тез кунда ўзининг ижобий якуини топади. Бундан нафақат Тўрақўрғон туман Озёк-овкат ишлаб чиқарувчи комбинатининг ишчи ходимлари, балки қўлаб истеъмолчилар ҳам манфаат кўради.

Искандар даромад ҳўчўтлари ўтказётган уша кўнларда — йилнинг март ойида "Дўстлик" жамоа ҳўжжалигини фермер ҳўжжаликлари бирлаш-масига айлантириш юзасидан тендер бўлиб ўтди ва Искандар Холмуродов "ҳисобидида" 2,4 гектар ер майдонини қонуний асосда Фарход Жўмўмуродова тегишли деб топилди. Шу кўйи бирлашма ҳисобидан жами 54,4 гектарлик экин майдонини тендер бўлиб Фарход Жўмўмуродова ўзўк йиллик муддат-га ажратиб берилди ва "Ша-молуев" фермер ҳўжжалиги таш-кил этилди. Шундай қилиб, ер бериш комиссиясининг 2002 йил 11 июндаги хулосаси ва ту-ман ҳожимлигининг 2002 йил 4 июлдаги 329-сонли қарори бил-лан мавжуд ер майдонини бата-мом "Шамолуев" фермер ҳўжа-лиги ихтиёрига ўтказилди.

## Qonun ko'magi

# ТАСДИҚЛАНГАН ОДИЛЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ҳўжжаликни қайта ташкил этиш комиссияси аввало оилавий пудратчилар ўртасида танлов ўтказиб, улардан қолган ерлар учун фермер ҳўжжаликлари ўртасида танлов ўтказишлари шарт бўлган бир пайтда 10-лоийча бўйича тўртта фермер ҳўжжалигини ҳам рўйхат-га киритган. Яна Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири-лигининг услубий тавсиялари меъёrlарини ҳам қўлол равишда бузилишига олиб келган. Яъни голиб "Ал-Барак" фермер ҳўжжалиги раиси Комил Қолилов пахта заводида солиштирма далолатномаси тақдим этиб, ҳисобидида 4768 минг сўм маблаг борлигини кўрсатган ва 7 баллга эга бўлган. Аслида эса бу фермер ҳўжжалиги 5 миллион сўмдан ортқ қардор э-кан. К.Қолилов комиссиясига тақдим этган ҳўжжа-тга қўра, фермер ҳўжжалигида гўё 13 нафар киши иш-лайди. Натичада 8 балл олган. Ҳолбуки, Гулистон тумани Давлат солиқ инспекциясининг маълумоти-га қараганда, ҳўжжаликда 6 нафар киши ишлар экан.

Комиссия "Ал-Барак" уч йил давомидида 2 марта режими бажарганилигини 3 баллга баҳолаган. Билма-ди, у қайси йилларда бажарган экан, лекин 2001-2002 йиллар давомидида режа уддаланмаган. Бунинг устига собик "Йўлчи ота" фермер ҳўжжа-лиги ўрнида ташкил этилган учта оилавий пудратчи-ларга фермер ҳўжжалиги тузиш учун ҳўжжаликда қарор чиқарилиб, буни тасдиқлаш туман ҳожимидан сўрал-ганига комиссия ва туман ҳожимлиги мутлақ эъти-бор беришмаган.

Вақоланки, ҳўжжаликнинг вақолатли вақиллар йи-гилиши ва туман ҳожимининг ўтган йил 30 майдаги қарори билан 31 контурдан 34,4 ер майдони У.Хол-бековга "Мишроф" ўғли Миржалол" фермер ҳўжа-лигини ташкил этиш учун берилган.

Энг ғалати жойи шундаки, тендер бўйича шикоят-лар қўлапга, туман ҳожими вилоят ҳожимига ёзган хатиди шу йил 17 март кунини 10-лоийча бўйича қайта танлов ўтказишларини маълум қилган. Ушбу танловга шикоятчилар келишмаган, яъни 15-16-17 март кун-лари оғохлантирилганига қарамай, оила пудрат бош-лиги Гофур Абдуллаев танловда қатнашмаган. Тан-лов яна учта фермер ҳўжжалиги ўртасида ўтказилиб, кейингисидида кам баҳо олас-да, аввалиги танловда кўп балл олган "Ал-Барак" фермер ҳўжжалиги яна голиб бўлибди. Бу баллар қандай юзага келганини аввал-ди қўрайтиб ўтган эдик. Уни қайтариб ўтирмай, "Ал-Барак"нинг голиб бўлишини кўпроқ М.Эгамназаров истаган экан-да, дейишдан бошқа гап йўқлигини ай-тсак, қиёф қилар.

Мана шу далилларга асосланиб, вилоят адлия бо-шқармаси оилавий пудратчилар манфаатини қўлаб фуқаролик ишлари бўйича туман судига даъво ари-заси киритди. Унда ҳўжжаликни қайта ташкил этиш комиссиясининг 2003 йил 23 декабрдаги 3-баён-маси ва туман ҳожимининг туш асосидаги 2004 йил 19 январда чиқарган қарорини ҳақийқи эмас, деб то-пиш асосий масала қилиб кўйилди.

Хулоса ўрнида бир фикрни тақдидлаб ўтишни он-г эдик. Яъни, фуқароларимизда билим ва ин-телилик кўчи. Улар мутасадди идораларга мурожаат қилиб, М.Эгамназаров икки танлов давомидида ҳам эришолмаган энг асосий мақсадга — одиллик барқ-ардор эканини тасдиқлашга эришилган. Энди Гулис-тон туманидаги мутасаддилар бундан хулоса чиқар-иб олишар, деб умид қиламиз.

**Мардали МАҲМУДОВ,**  
хуқуқшунос  
**Абдулазиз ЯХШИЛИКОВ,**  
журналист

## Dakki

# ЕЧИМ ТОЛГАН ЖУМБОК

ча Қоракалпоғистон Республикаси Олий суди Беруний туманлараро суди қарорини ўзгаришсиз қолдириди.

Шу тариха энчи бартараф қилинди. Лекин унинг замирида нималар ётгани ки-шини бироз ўйлантиради. Аввало, Искан-дар Холмуродов нима учун бундай гайри-қонуний йўлни танлади? У чинакамга ерга талабгор бўлса, олинган ер ажратмиш ко-миссияси номига ариза билан мурожаат этиши ва тендерда қатнашиши лозим эмасиди? Қолаверса, "Дўстлик" фермер ҳўжжаликлари бирлашмаси бош ҳисоби-сини мухоятан ноқонуний тарзда тузил-ган шартномага ўз вақолат доирасидан чиқиб, биринчи шахс учун имзо чекишга даъват этиш нарсани нима?

Мазкур саволлар тағдида катта жумбоқ-лар ёттиди. Масалага дахлдор шахслар уларга қай йўсинда жавоб беради — бу энди виждон ҳўжжиги ҳавола.

**Нурилла ЙЎЛДОШЕВ,**  
хуқуқшунос  
**Тоҷимурод ЭШМУРДОВ,**  
"Инсон ва қонун" мухбири

**Махмуджон АБДУЛЛАЕВ,**  
хуқуқшунос  
**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**  
"Инсон ва қонун" мухбири

**Жўрабек ХўҲАХОНОВ,**  
хуқуқшунос

**Давоми. Бош биринчи берида**  
Бироқ шунга қарамай, Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, **Ўзбекистоннинг оммавий ахборот воситалари фаолиятини тубдан ислох қилиш зарурлиги борган сари аён бўлмади. Чунки чуқур ўзгаришлар мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини демократлаш сураётганлари қаршида оммавий ахборот воситаларининг фаолияти талаба жавоб бермапти.**

ларда етказилган маънавий зарар қандай белгиланади?  
Фуқаролик кодексига баён этилишича, маънавий зарар, уни етказганнинг айби исботланган тақдирда зарар етказувчи томонидан қопланган. Айб тован тўлашга асос бўлган холларда зарар етказувчининг айби қай даражадалигига қараб, суд томонидан аниқланади. Зарарни қоплаш микдорини аниқлашда адолат талаби эътиборга олинishi лозим.

қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.  
Бу борадаги муаммолардан бири етказилган зарар микдорини белгилашдир. Қонунчиликда бу тўғрида аниқ ҳисобланган тўловлар микдори кўрсатилмаган. Хар қандай шахс ўзига етказилган маънавий зарарнинг микдорини ўзи белгилайди. Суд эса инсонпарварлик ва адолат тамойилларига асосланиб, ҳал қилув қарорини чиқаради. Шунингдек, **“Оммавий**

**Huquqiy ma'rifat**

да, бошқа даврий нашрларда эса на-вбатдаги сонда берилди.  
Хозирги пайтда айрим оммавий ахборот воситаларида жиноят содир этганлигида гумон қилинаётган ёки айб-ланаётган шахсларнинг исм-шарифи-ни ёзиш ёки “исмлар ўзгартирилган”, деб таъкидлаш одат тусига кирган. Маълумки, қонунчиликда айбисизлик презумпцияси тамойили мавжуд. Журналистнинг ижтимоий ҳақ-хуқуқи, бурчи ва мажбурияти ундан имкон қадар ҳолис, тўлиқ ва ҳаққоний ахборотни тарқатишини талаб этади. Айни пайтда, у суд ҳукми-ни олдиндан “чиқа-риб қўйиш”га уринмаслиги лозим. Ай-никса, вояга етганлар ёки жинсий қилимишлар тўғрисида хабар берган-да журналист касб ахлоқи нуқтани на-заридан масалга ўта эҳтиёткорлик билан ёндашиши зарур.

Касб ахлоқи журналист яшаётган жамият кадрляридан келиб чиқа-ди. Касб ахлоқига риоя қилинишига қараб оммавий ахборот воситаси-нинг жамият ҳаётидаги ўрни белги-ланади.  
**Жавлон АБДУЛЛАЕВ**

**Huquqiy savodxonlik sari**

**СУД ҚАРОРИНИНГ АДОЛАТЛИЛИГИ**

**ишни кўришга тайёрлаш даражасига ҳам боғлиқ**

Мамлакатимизда қонун ус-туворлигини таъминлаш, де-мократик ҳуқуқий давлатчилик асосларини шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркин-ликларини рўйга чиқариш бил-лан боғлиқ кенг қўламли ис-лохотлар изчил амалга оши-рилмоқда. Бу борада судлар зиммасига ҳам жиддий вазифа-лар юклатилган.  
Судлар томонидан ишлар-ни қонунда белгиланган му-ддатларда кўриб чиқиш, адо-латли ҳал қилув қарорини қабул қилиш бўйича барча қоралар қўрилмоқда. Фуқаролик муно-сабатлари жараёнида ўзгалар томонидан ҳуқуқлари поймол қилинган фуқароларнинг ҳуқуқлари судлар орқали тик-ланаётгани жамиятимизда адолат устуворлигини таъмин-лаётганидан далолатдир.

Шу билан бирга, фуқаролик ишларини судда кўришга тай-ёрлаш ва судда кўриш чоғида айрим хато-камчиликларга йўл қўйилаётганини ҳам эътиборга олиш зарур. Айрим ҳолларда судлар муқад-датли ҳал қилув қарорини қабул қилиш бўйича барча қоралар қўрилмоқда. Фуқаролик муно-сабатлари жараёнида ўзгалар томонидан ҳуқуқлари поймол қилинган фуқароларнинг ҳуқуқлари судлар орқали тик-ланаётгани жамиятимизда адолат устуворлигини таъмин-лаётганидан далолатдир.

да судья, агар аризани қабул қилишни рад этишга асослар мавжуд бўлса, бу ҳақида ало-ҳида ажрим чиқариши, фуқаро-рога ишни кўзгатиш учун қан-дай ҳужжатлар тақдим этишини ёки бунга тўсқинлик қилаётган ҳолатларни бартараф этишини, масаланинг тегишлилиги бўй-ича қайси идорага мурожаат қилиш зарурлигини тўшунтири-ши керак. Амалийликда бу жара-ён озғайи тарзда кечади. Ари-заси қабул қилинмаган фуқаро норози бўлиб, ҳуқуқлари тикланишини истаб, юқори судларга мурожаат қилади. Оқибатда ортиқча овозгарчи-лик юзага келади.  
Ишни судда кўришга тай-ёрлаш иморатнинг пойдевори-дек муштахам, пухта бўлиши лозим. Бу жараёндаги хато-камчиликлар, юзакчилик, эътиборсизлик суд қабул қила-диган ҳал қилув қарорига салбий таъсир қилади. Бундай хатоликлар тарафлардан би-рининг норозлилик аризаси бўйича иш юқори судларда қайта кўрилганда биринчи бо-сқич судининг қарори бекор қилинишига олиб келади.  
Суд қарорининг қонунийли-ги, одиллиги фуқароларнинг жамиятда адолат мавжудлиги-га, қонуний ҳуқуқлар ҳимоя қилинишига ишонини муштах-камлайди. Шу боис судьялар қарор чиқаришда адолат ва қонун талабларига қатъий риоя этилиши шарт.  
**Ш. МУЗАФФАРОВ,**  
ҳуқуқшунос

**ХОЛИСЛИК ВА КАСБ АХЛОҚИ**

**ёхуд маънавий зарар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир айрим мулоҳазалар**

Журналист ўқувчига ҳаққоний ва ҳолис ахборотни етказиш учун бу-тун куч ва маҳоратини ишга солиши лозим. Иккинчидан, ана шу ахборот-ни таҳлил қилса, унинг таҳлили им-кон қадар ҳолис — ташқи маънавий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий таъ-сирлардан холи, эркин бўлмоғи шарт. Лекин хозирги кунда омма-вий ахборот воситаларининг фаоли-ятда билиб-билмай истеъмолчига маънавий зарар етказиш ҳоллари ҳам учраб туради. Хўш, бундай хол-

“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддаси-га биноан, оммавий ахборот восита-лари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, улар-нинг шахсий ҳаётига аралашishi таъ-қиқланади. “Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддаси-га биноан, оммавий ахборот восита-лари ўзлари тарқатган ахборотнинг ҳаққонийлиги учун ахборот манбаи ва муаллифи билан биргаликда

ахборот воситалари тўғрисида”-ги қонуннинг 27-моддасига кўра, юридик ёки жисмоний шахс омма-вий ахборот воситасида эълон қилинган ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ўзининг шаъни ҳамда қадр-қимматига доғ туширадиган маълум-отлар бўйича раддия бериши таҳ-ририятдан талаб этиш ва ўз раддия-сини мазкур оммавий ахборот воси-таси орқали эълон қилишга ҳақли. Раддия ёки жавоб газетда келган кундан эътиборан бир ой муддат ичи-

риб қўйишга уринмаслиги лозим.

Истиқлол иншоотлари



**ИМКОН ВА КАФОЛАТ**

“Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши суд ижрочилари ўз ижро ҳаракатларини судлар фаолиятинан ажратилган ҳолда, мустақил тарзда амалга оширишлари, уларни молиялаштириш ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш масаласини ҳам ҳал этади.

Қабул қилинаётган барча қонун ва меъёрий ҳужжатлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун хизмат қилиши табиий. Шу жумладан, “Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонун ҳамда ўз мақсад-моҳиятига кўра фуқароларнинг суд то-монидан белгилаб қўйилган

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, суд ҳужжатлари, шунингдек, қонунда белгиланган вако-латларни амалга ошираёт-ганлариди жисмоний ёки юридик шахслар зиммасига пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни ўзга шахсларга бериш ёхуд улар фойдасига муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракат-

лардан ўзини тийиш мажбу-риятини юклайди. Шунинг-дек, бошқа идораларнинг (мансабдор шахсларнинг) ҳужжатлари мажбурий тарзда ижро этилаётганда юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш учун хизмат қилади.  
Мазкур қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан

**Sharh**

қарор қабул қилишлари ва уларнинг талабларини бажари-риш барча идоралар, жисмон-ий ва юридик шахслар то-монидан қабул қилинган ҳуж-жатларнинг ижроси эмас, балки чет эл судлари ва ар-битраж қарорларини ижро этиш тартиб ҳамда муқад-датлари ҳам белгилаб қўйилган, бу эса ўз ўрнида мазкур қонуннинг қанчалик юқори са-вияда ишлаб чиқилганидан далолатдир. Бундан ташқари, мазкур қонунда суд ижрочи-сининг мақоми уларнинг иж-тимоий ҳимояси, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда суд иж-рочилари мустақил равишда

Америка Қўшма Штатларида бошқарув институти бир қанча тамойил-лар асосида шаклланди. Уларнинг айримлари миллатнинг табиий ҳусусият-ларини ифода этса, бошқалари мамлакат конституциясининг муқаддасли-гида баён этилган қонунларнинг амалда қўлланиши натижасидир.  
Умуман олганда, бошқарув тизимида сайловлар муҳим аҳамиятга эга. Чунки муайян даврларда сайловчилар ҳуқуқларида ҳақ номидан иш қўридан жамоат хизматчиларини сайлайди. Бу билан сайловчилар ўз ваколатларини вакиллар ва тайинланган амалдорларга ўтказишади.

Жамоат вакиллари ўзларига ҳақ томонидан берилган ваколатларини фуқаролар назорати остида амалга оширади. Ҳақ ўз хоҳиш-иродасини ифодалаш ва ўз вакилларига жами-ят хизматида эканликларини эсла-ти қўйишининг қўллаб-қувватла-рига эга. Қонун чиқарувчи ва ижро этув-

чилади. Бир шаттда қонунга зид деб топилган қилмишларга бошқа шат-тада йўл қўйилиши ёки бошқа жазо чоралари қўлланиши мумкин. Хар бир шатт ўз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига эга (АҚШда умуммил-лий полиция хизмати мавжуд эмас). Шаттларда ўз худудидида савдо-сотик

хилма-хиллиги билан ажралиб тура-ди. Кўпинча “корпорация” деб аталувчи (шаттларнинг ўзи кўпгина холларда расман “ҳамдустликлар” деб аталади) шаҳарларда муниципалитетлар, шаҳар кенгашлари (кўпгина мэр бошчилигида), қишлоқ жойларда эса “тауншиплар” кенг тарқалган. Базан аҳоли томонидан сайланадиган кенгаш шаҳар ҳўжа-лига раҳбарлик қилиш учун бошқарувчини тайинлайди. Шаҳар ва унинг атрофидаги аҳоли яшайдиган йурик мегаполислардаги маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими жуда мураккаблиги билан ажралиб тура-ди. Унинг доирасида бир неча юзла-рли ҳал этиш механизми амал қилишини таъминлайди. Жумладан, конституциянинг 4-моддасига мувофиқ, барча шаттлар бо-шқа шаттларнинг меъёрий ҳужжатлари ва суд қарорларига тўлиқ ҳурмат-эътибор кўрсатиши лозим. Бу шаттларнинг судлари чиқарган қарорларни ҳурмат қилишлар шарт бўлган федерал суд-ларга нисбатан ҳам амал қила-ди.

**Jahon tajribasi**

маданий алоқаларни ривожлантириш мақсадида чет мамлакатлар ёки уларнинг субъектлари билан фаол алоқа қилиши, уларда ўз ваколатхо-наларини очиб имкониятларини ис-тисно этмайди.  
АҚШда умуммиллий ҳуқуқ тизими мавжуд эмас: элликта шаттнинг эл-лик ҳуқуқ тизими ва алоҳида феде-рал тизим иш олиб боради. АҚШ конституциясида мавжуд қондалар бир томондан шаттларнинг қонун ҳужжатларини маълум даражада уй-ғунлаштирса, бошқа томондан низо-ларни ҳал этиш механизми амал қилишини таъминлайди. Жумладан, конституциянинг 4-моддасига мувофиқ, барча шаттлар бо-шқа шаттларнинг меъёрий ҳужжатлари ва суд қарорларига тўлиқ ҳурмат-эътибор кўрсатиши лозим. Бу шаттларнинг судлари чиқарган қарорларни ҳурмат қилишлар шарт бўлган федерал суд-ларга нисбатан ҳам амал қила-ди.


**АҚШ БОШҚАРУВ ИНСТИТУТИ**

чи ҳокимиятнинг асосий мансабдор шахслари сайловлари бунда назорат воситаси бўлиб хизмат қилади. Бунда номзадлар сайловчилар эъти-борига қарашлари ёки дастурларини ҳавола этишади. Сайланган шах-слар муайян вақт оралиғида ўз сай-ловчиларига ҳисобот беришлари ло-зимлигини ҳеч қачон унутмайди. Шу боис сайловчилар билан сайланган-лар ўртасида доимий мулоқот йўлга қўйилган. У қундалик почта оқими, телеграммалар, телефон кўнғироқ-лари ва шахсий алоқаларни ўз ичи-га олади. Сайланган шахс хар бир мурожаатга жавоб бериши шарт. Та-дқиқотлар шуни кўрсатдики, АҚШ Вакиллари палатаси аъзоси бир ҳафтада ўрта ҳисобда 521 та хат олар экан. Уларнинг асосий қисми-ни сайловчиларнинг хатлари ташкил этади.

ва хусусий тadbirkorликни тартибга солиш масалаларида ҳам катта эркинлик берил-ган.  
Маҳаллий ҳокимият идораларини ташкил этиш ва уларнинг фа-олияти хар бир шатт-нинг қонун ҳужжатла-ри билан тартибга со-линади. Бу қонун ҳуж-жатлари тарихан ўзи-ни ўзи бошқариш ша-клларини танлашда фу-қароларга катта эр-кинлик бериш майли-га эга бўлган. Натияжада хар бир шаттада ўз бошқарув тизими вужуд-га келган. Шаттлардаги бошқарув тизимларининг айримларида даст-лабки муҳожирлар давридан мерос бўлиб қолган азалий жиҳатлар ҳам сақланиб қолган. Шатт таркибидида кенг тарқалган маъмурий бирлик оқру-б бўлиб, у анычага кўра, графлик (Луизиана шаттида — қавм) деб ата-лади. Графлик кенгаши ва асосий мансабдор шахслар аҳоли томони-дан сайланади. Оқруқ ҳокимият идо-ралари маҳаллий йўллар, озодлик-дан маҳрум этиш жойлари, қасал-донлар, соғлиқни тиклаш оромгоҳ-лари ва бошқа объектларнинг аҳо-лини назорат қилади.

иш олиб бориши мумкин. Шунга қарамай, шаттларнинг суверените-ти соф расмий ҳусусиятга эга. Улар суверенитетнинг қатор асосий жи-ҳатлари, жумладан, бошқарув ша-клини ўзгартириш ва федерациядан бир томонлама чиқиш ҳуқуқидан маҳрум. Бу хол ташқи алоқалар со-ҳасида аққол кўзга ташланади. Та-шқи сиёсий йўлни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш федерал ҳуқу-қматнинг алоҳида ҳуқуқига қиради. Конституцияга ва Олий суднинг қарорларига мувофиқ шаттлар фе-дерал ҳуқумат Конгресснинг рози-лиги билан тузадиган битимларнинг барча қондаларини тўлдирishi ва ўз қонун ҳужжатларини уларга мувофиқ ҳолатда келтириши шарт. Аммо бу шаттлар асосан савдо-иқтисодий ва

судлари чиқарган қарорлар устидан ўз навбатида шаттнинг олий судига, унинг қарорларни устидан эса АҚШ Олий судига шикоят қилиниши мум-кин. Шаттларнинг судлари юридик-циясида ишларни олиш ва уларни кўриб чиқиш учун федерал оқруқ судларига ўтказиш, шунингдек, фе-дерал апелляция судларига шикоят бериш механизми ҳам мавжуд (одат-да, бу федерал оқруқ судларининг хар бири бир неча шаттни ўз ичига олади). Хар қандай ҳолатда феде-рал ҳуқумат исталган масаланинг АҚШ Олий судида узил-кесил қури-лишига эришиш имкониятига эга.  
Кўриниб тургандек, АҚШ бошқарув тизими кўпгаб ўзига хос жиҳатлари билан алоҳида ажралиб туради.  
**Сардор РУСТАМБОВЕВ**



**“МАҲЛИЁЛИК” ЖАБРИ**

Самарқандлик Толмас Зойи-ров ҳам содда одамларни пулга маҳлиб қилишга ишқи-боз чиқиб қолди. Шунинг учун ҳам у 2001 йилнинг апрел ойи-да танишиб қолган Турсун-бойнинг ишончига кириб, унинг ўғли Шавкат ва қудаси Аскарни 5600 доллар эвази-га Швецияга ишга юборишга кўндирди. Турсунбой нақд пули йўлиги сабабли ўзига тегишли “Нексия” автомаши-насини 4000 долларга баҳо-лаб, нотариус орқали Т.Зойи-ров номига расмийлаштириб берди.

Толмас ўзи бошлаган “опера-ция”нинг муваффақиятли ўтганидан фойдаланиб, “Нек-сия”ни у ёқдан бў ёққа қўзғатиб, яна хорижга жўнатишга одам излади. Бу гаг унинг тузоғига Кимёгар-лар кўргўнида истикомат қилувчи Зебо Мирзаева или-нади. Буни қарангки, у ҳам кўпдан бўён турмуш ўртоғи Асадин “ҳазонади сочилиб ётган пуллар”ни қол-қоп қилиб суғуриб келиш учун Голландияга юборишни оруз қилиб юрган экан. Толмас-нинг тўсатдан пайдо бўлиши унинг дардига малҳам бўлди. Зебо қарз-хавола қилиб, ўз “халоскори”га 1500 доллارни қўш қўллаб тузгади. Унинг қўниши Мархабо ҳам қувёи Шерозди Голландияга юбо-рин орузида Толмасга нақд 1500 долларни санаб бера-ди. Қолган 2000 доллари ку-ёвининг паспортига виза очилганидан кейин беришга келишиди.

Ууллас, Толмасвой Асқар билан Асадин Москвга олиб кетиб, ўша ердан Голландия-га учириб юборадиган бўлди. Кетиш олдин Толмас Зе-бодан яна 2000 доллари кўр-тайд санаб олди. Орадан бир ҳафта ўтгач, Асқар билан Асад уйларига кўнғирок қилишиб, ховир Москвда меймонхона-да туришгани, пулларини ўғирлаб қўйишганини айти-шади. Ундан кейин Толмас ҳам улардан хат олиб келади ва Асқар билан Асадиннинг гап-ларини тасдиқлайди ҳамда уларга олиб бориб бериш учун 500 доллардан минг дол-лар олади. Бунинг устига Зебо орқали ўзи Корёяда иш-лаётган Санобар деган аёлини топиб, ўзи гаровга олган “Нек-сия”ни яна 1300 долларага гаровга беради ва яна Мос-квга жўнаб кетади.

Ким нима деса-десину, Толмас ўз сўзида турди — у Асқар билан Асадин Москва-даги “Веста” фирмаси орқали Грецияга виза олтириб, жўнатиб юборди. Бирок бу икки сайёҳни Греция кучок очиб қутиб олмади — улар «сочилиб ётган пулларни су-ғуриб олиш»га улгурмай, греклар сайёҳларнинг қовуш-ларини келган жойига қараб тўғрилаб кўя қилишди. Ана шундан кейин икки жаҳонгаш-та пулсиз, сармосиз Моск-вада бировларнинг эшигиди хизмат қилиб юриб, ярим йилдан кейин қарз-хавола би-лан зўрга уйларига етиб ке-лишди. Бу орада қудасининг аянчли ахволидан хабар топ-ган Турсунбой зир юғриб “Нексия”сини излаб қолди. Толмас томонидан гаровга қўйилган “Нексия” қимдали-

гини аниқлаб, зудлик билан милицияга мурожаат қилди. У маънасини жанжал-тўполон билан бир амаллаб Санобар-дан қайтариб олди. 1300 дол-ларга қуйиб қолган Санобар «оқ-воҳ» қилиб, товламачи Толмаснинг устидан шикоят ёзиб, милицияга қонди. Улар-га Зебо билан Мархабо ҳам қўшилди...  
Яхшиям ҳуқуқ-тартибот идоралари бор экан — жаб-ранувчиларнинг қўрсатмалари инобатга олиниб, Толмас Зойилов жиний жавобгар-ликка тортилди. Яқинда Бу-луғур туман жиноят ишлари бўйича суд мажлисида Т.Зойи-ровнинг фирибгарчилиги адолат тарозисига тортилиб, у тўққиз йилга озодликдан маҳрум қилинди. Шу билан бирга унинг зиммасига жаб-ранувчилардан товламачи-лик билан олинган маблағ-ларни тўлиқ қайтариб бериш мажбурияти юклатилди...  
Ха, биродарлар, кўзингиз-ни очинг, ҳеч қаерда пул ҳа-зондек сочилиб ётгани йўқ. Ота-боболаримизнинг хар жойини қилма оруз, хар жой-нинг бордир ўз тошу тарози-сини, деган қимматли нақли за-розимда бир дунё маъно бор. Бунинг устига ишлайман, деган одамга ўзимизда ҳам иш тикилиб ётибди. Хорижга маҳлиёлик эса бир қасофат-ни бошлаб келади. Ишонма-сангиз, бу савдони бошидан кечиранлардан сўран!

Асомиддин САЙФИДИНОВ, ҳуқуқшунос Нурулло ОСТОНОВ, журналист

Дунёнинг ишлари қизиқ. Биров битта лавозимда ўн-ийгирми йиллаб самарали меҳнат қилади, шундан обрў-эътибор топади. Биров эса...

ларга моддий ёрдам пули тайинлаш бўйича ҳужжатлар тайёрлаш иборат, дея атайди. Аммо гап икки ёшгача бўлган болалар тарбияси учун бериладиган нафақа пуллари, айниқса, Гулбаҳор Худойберганова хусусида берганида, анча талмовсираб қолди.

Taajjub

минланган оилаларни ҳисобга олиш ҳамда уларга моддий ёрдам пули тайинлаш комиссияси аъзо-си сифатида фуқароларга товлан-чилик йўли билан "хизмат кўрсатгани" учун муносиб жазола-ди.

Tarix va taqdir

БУЮК ГУНОҲҚОР ВАСИЯТИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Эълон бўйича келган номзодлар ичидан 43 ёшли "кекса жаноб"га шу пайтгача Венада барон фон Зуттнер хонадонидида хизмат қилган, 33 ёшли графиня Берта Кинск хоним маъқул тушади. Отаси фелдмаршал Кинск туфайли бир вақтлар яхши маълумот олган, бир неча тилларда бемалол сўзлашадиган, гўзал ва тарбияли Бертани Альфред ёқтириб қолади ва уни иккиланмай ишга қабул қилади. Бироқ гўзал Берта илгари хизмат қилган хонадоннинг катта ўғли Артур билан ишқий муносабатда бўлади ва орадан кўп ўтмай улар яширинча никоҳдан ўтишади. Бу сирдан хабар толган, Нобел каттик изти-робга тушади ва юрагида ўчмас жароҳат пайдо бўлади.

Шундай бўлса-да, Берта у билан дўстона муносабатини узмайди. У эри билан Грузида бўлганида рус-турк қўшинла-рининг қонли тўқнашуви ва бошқа мамлакатлардаги урушлар туғрисида Альфредга афсусланиб мактублар жўнатар эди. Баронесса фон Зуттнер аjoyиб ёзувчилик қобилиятига эга бўлган-и туфайли уруш фожеалари, улар келтирган бало-офатлар туғрисида газеталарга қизиқарли мақолалар ёзарди. Кейин-чалик ёзган "Қуролни ташланг" китобида урушни қоралаб, халқлар ўртасида тинчлик ва ўзаро дўстона алоқаларни ри-вожлантиришга чакирди. Улар таниш-шиларни орқали тўққиз йил олдин Нобел динамит иختиро қилганини билганганидан сўнг Берта унга ёзган хатларида бу хавфли қуролни фақат тинчлик йўлида ишлатиш, бошқа макссадларга фойдаланишга рўхсат бермаслигини қайта-қайта илтимос қиларди. Нобел иختиро эт-ган бу қирғин қуролни 1870-71 йилларда фаранг-прусс уруши-да қўлланиб, инсоният бошига ўша пайтда ҳали кўз қуриб, қулоқ эшитмаган балоларни келтиради. Нобел бундай дах-шатли қурол яратганидан қаттиқ пушаймон бўлади ва уни фақат тинчлик йўлида - тунел ва каналлар қазиб, йўл қуриш-да ишлатиш учун иختиро қилганман, деб ўзини ўзи юпатади. Лекин аслида-чи? Аслида унинг отаси, акалари ва ўзи ҳам болалар учун йўлнинг ишлаб чиқариб сотгани учун миллион-миллион маблағларни қўлга киритишмаган-ку? Шундай бўлса-да, у ўзини дунёдаги энг тинчликсевар кишилардан бири ҳисоб-лаган. Ҳақиқатда эса у қандай одам бўлганини Бертага ёзган хатларининг биридида қуйидаги сўзларини ўқиб ҳам билиб олиш мумкин. "Менинг ягона орзум шунки, бир буюм ёки машина иختиро қилсам ва у шундай портлаш қучмага эга бўлсак, ундан кейин бошқа уруш қилишнинг иложи бўлмас".

Во дариг, мана сизга тинчликсевар иختирочининг орзуси! Бундай "тинчликсевар" иختироларнинг инсониятга кераги бор-ми? Нобелнинг ўзи ҳам баъзан шулар хақида ўйлар ва инсо-ниятга фойда келтирадиган нимадир қилмоқчи бўлар, лекин ойлари, йиллари тўтовсиз ўтар, у бир тўхтама қаллоқмасдан боши қотган эди. Шундай қуларнинг бириди у Бертадан на-вбатдаги мактубини олади ва уни ўқиб чиқиб, чеҳраси ёришиб, елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлади. Аёл ўз хатида Альфред-га бутун тўпалани боилқиларини фан, адабиёт ва дунёда тин-чликни сақлаш учун мукофот сифатида келажак авлодларга қолдиришни маслаҳат берган эди. "Айнан мен қўлиб топ-полмай юрган фикр шунки", - дейди Нобель ва ҳеч икки-ланмай нотариуснинг хузурига йўл олади.

Альфред Нобель 1896 йил 10 декабрда, 63 ёшда миёнага қон қуйилиш оқибатида вафот этади. У ўз ўлимининг трикли-нигида ўзи башорат қилган тарзда кутиб олади: "Мени сўнги-дақикаларда юпатадиган ва ўлганимдан сўнг кўзимни юмиб қўядиган одамим йўқ", - деган эди ўқиниб Альфред ҳаётининг сўнги йилларида...

Нотариус марҳумнинг қариндош ва яқинларига унинг ва-сиятини тантанали равишда ўқиб бораётган хонада жимлик, ташқарида эса 1897 йилнинг аёли кўш хавоси ҳукмрон эди. "Мен, Альфред Бернхард Нобел васий қиламанки, ме-нинг мол-мулким қуйидагича тақсимлансин: мулкларим ишонли қимматли қозғаларга айланттирилиб, улардан жамғара ташкил этилсин ва тушадиган йиллик фойза-лари ўтган йилда инсониятга энг кўп фойда келтирган кишиларга мукофот тариқасида берилсин. Ушбу фойза-лар тенг беш қисмга бўлиниб, улар қуйидагича тақсим-лансин: биринчи қисм - физика соҳасидаги муҳим каш-фиёт ва иختиро учун, иккинчи қисм - химия соҳасидаги муҳим кашфиёт ва иختиро учун, учинчи қисм - физиоло-гия ва медицина соҳасидаги муҳим иختиро учун, тўртин-чи қисм - адабиёт соҳасида энг яхши гоғий асар урун, бешинчи қисм - халқлар ўртасидаги қардошли алоқа-ларни ўрнатish ва ер юзидида тинчликни мустаҳкамлаш соҳасидаги энг фаол ҳаракат учун.

Шуни алоҳида таъкидламанки, мукофотлашда ном-зоднинг миллати эътиборга олинмасин, фақат энг муно-сиб номзодлар тақдирлансин".

Нобелнинг қариндош ва яқинлари бу қўтилмаган васиятни эшитиб дафъатан ўзларини йўқотиб қўйишди. Улар бу бадав-лат қариндоши бевосита ворислар бир ёқда қолди, боилиги-нинг асосий қисмини номалум кишиларга, келажакда бажа-риладиган қандайдир хизматлар учун қолдиришни улар ҳеч тушунмас ва юрагида қайиришмас эди. Шунинг учун улар бироз ўзига қелинган, тўполон кўтаришди. Ҳармадан кўпроқ Софи Бек қариқди, бунга чидай олган қариндошлар бу-тун умр Нобелга виждонсизларча муносабатда бўлиб, зулқ-сиз таъмағирлик қилиб, уни талаган бу аёлини тинчтишга ҳаракат қилишди. Қонуний йўл билан меросга эгалик қилиш-га кўзи етмаган аёл марҳумнинг сўнги илтимосини бажара-ётган Рагна Солманни қўрқитишдан тап тормайди — агар Нобел қолдирган мулкнинг бир қисми унга тегмаса, Алфред билан муносабатлари битилган 216 та хатни жамоатчилик ҳук-мига хавола этиб, марҳумни шарманда қилишнинг билдиради. Илжосиз қолган Солман бу виждонсиз хонимга ёки бериш ва келажак авлодлар олдига буюк иختирочиннинг номини пок сақ-лаш учун бу далилларни ундан "остиб" олишга мажбур бўла-ди.

Бундан ташқари, Нобел қолдирган васиятномага Швеция қироли ҳам норозилик билдиради. Васиятнома матни билан танишган қирол танлики хамюртини ватанга садоқатсизликда айблайди. Чунки васиятнома бўйича Нобелга тегишли улкан мулкнинг бир қисми мамлакат раванқи учун хизмат қилмас-дан, бошқа юртларга чиқиб кетиши мумкин эди. Эҳтимол, ана шулар туфайли мамлакат ҳукмдори ун йилгача Нобел фонди Низоимни тасдиқламаган бўлса, ажаб эмас. Нихоят, 1901 йилда буюк гуноҳкор номи билан аталуви буюк мукофот ўзининг биринчи эгаларига топширилди. Кейинги 100 йилда Нобел мукофотининг нуфузи тўтовсиз ошиб, бугунги кунда жаҳонда тенги йўқ мукофотга айлиниб, ҳар йили 10 декабрда бутун дунё халқлари нигоҳи Стокгольмга қаратилишини бечора қирол қардан ҳам бисин, агар билганида уни таъсис этишга ол-динроқ рози бўлармиди?..

Бу мукофотнинг келажакда бундай обрў-эътибори қозони-шини Нобел мукофотининг бўлажак соҳиббаси баронесса Бер-та фон Зуттнер 1897 йилнинг январиди, эри Венанинг тонги газеталариди бирини олиб келганда ҳам билмаган. Газета биринчи саҳифасининг кўзга тез ташланадиган жойида "Ал-фред Нобелнинг қўтилмаган васияти" сарлавхали мақола эълон қилган эди. Газетага тезда кўз югуртириб, дўстининг сўнги истаги билан танишиб, Берта тўсатдан қўйилиб келган қўзғалани туҳматоломай Нобел йўллаган сўнги хатлариди би-ридаги қуйидаги сўзларни эслоди: "Менинг қилган минг-лаб ишларимдан фақат биттиси фойдали бўлса ҳам ўзини бахтли ҳисоблайман"... Берта хоним ҳаммасини суъясиз тушунади ва "Гуноҳларини ювиш учун шундай қилган", дея шивирлайди.

Мирза ТУРСУНОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Фаргона вилояти Учқўприк тумани "Зиё икти-сод" лицейининг 2003 йил битирувчиси Мамажон Сарвар Мелиқўзиёвич номига берилган О'Р'А 1309765-рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги ат-тестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

СУИСТЕЪ МОЛЧИЛИК

У ҚАНДАЙ ЮЗАГА КЕЛДИ?

ошкор таъмағирлик қилиши унинг аламини келтирди. Ва у Дониёр ўйлангандан бошқача йўл тутди...

... Дониёр ҳужжатларни бир-бир қабул қилиб олди. Сўнгра Гулба-ҳор томон юзланди-да:

— Пул-чи? — деб сўради ҳеч тап тортмай.

Гулбаҳор 500 сўмлик купюрадан 12000 сўм пулни стол устига таш-лади. Котиб эса гўё шундай бўли-ши керакдек, бамайхотир пул-ларни стол тортмасига сурди. Қол-

гани бир неча дақиқа ичида рўй берди...

Суд жараёнида Дониёр Маша-рипов ўз зиммасидаги вазифа-ларни фуқаролар йиғинига тушган аризаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларга оксоқолнинг кўрсатмаси бил-лан жавоб қайтариш, 16 ёшгача бўлган болалик оилаларга нафа-қалар ва кам таъминланган оила-

— Мен мансабдор шахс эмас-ман, — деди аранг. — Нафақа тай-инлаш ишини раис ҳал қилади.

Дониёр бу билан аравани қуруқ олиб қочиши хаёл қилганди. Аммо суд ҳайъати унинг кўзини очиб қўйди. Яқинда жиноят ишлари бўйича Амударё туман суди Дони-ёр Машариповнинг маҳалла фуқа-ролар йиғини котиби ва кам таъ-

Xotira

АЖОЙИБ ИНСОН ЁДИ



Хадича Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази етук мутахассиси, кимё фанлари номзоди, аjoyиб инсон Турғун Исломовни ўлим хаётдан бевақт олиб кетди.

Т.Исломов 1940 йилда Тошкент шаҳрининг Самарк-анд дарвози даҳасида туғилган эди. 1957 йил ўрта мактабни олтин медал билан тугатиб, Ленинград шахридаги технология институтига ўқишга кирди.

1962-65 йилларда Ўзбекистон кимё санотининг Бош конструктор-технология бюросида I-даражали конструктор-муҳандис сифатида фаолият юритди. 1965-70 йилларда Москва шахридаги нефть-кимё синтези институтини аспиран-турасида таълим олиб, номзодлик диссертациясини ёқлади. 1970-72 йилларда шу ерда кичик илмий ходим, 1973-75 йилларда эса Олий ўқув юртлири вазириликнинг ўқув-методик бўлими вазифасида ишлади. 1975 йилдан Т.Исломов Адлия вазириликнинг Хадича Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказига ишга келиб, дастлаб катта илмий ходим, сўнг лаборатория бошлиғи лавозимида фаолият юритди.

Т.Исломов сергайрат ва изланувчан инсон эди. У суд экспертизаси ва криминали-стика фани бўйича кўплаб мақолалар, 2 та услубий қўлланма, 4 та услубий тавсиялар яратди, шулардан 8 таси хорижий давлатлар-

да, жумладан, Чехия, Финляндия, АКШда чоп этилди. Унинг илмий изланишлари доривор ва психотроп моддалар, гиёҳванд воситалар, пести-цидлар ва захарли химикат-ларни газ-сувоқлик хромо-тография ва хромато-масс-спектрометрия усуллари билан таҳлил қилишга қаратилган эди. Бу йўна-лишда у яратган кўпгина услуб ва услубиётлар нафақат Республика суд-эксперт муассасаларида, балки чет эл мамлакатлари-да ҳам кенг қўлланиб келинмоқда.

Т.Исломов гиёҳванд воситалар ва психотроп моддаларни "ГС" ва "ХМС" усуллари билан таҳлил қилиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Прага ва Вашингтондаги ваколатхоналарида таҳсил олиб, махсус сертификатга эга бўлган эди.


Т.Исломов "Гиёҳванд ва дори воситаларни криминалистик тадқиқ этиш" мавзусида докторлик диссертациясини ҳам ёзиб тугатган, афсуски, уни ҳимоя қилиш насиб этмади.

Т.Исломов тажрибали мутахассис сифатида кўпгина ёшларга устозлик ҳам қилди. Энг асосийси, Т.Исломов ўзининг илмий асосланган, ҳар томонлама мукамил суд экспертиза хулосалари билан айбдор-нинг тегишли жазога тортилиши ва аксинча, гуноҳсиз кишининг ноҳақ жазоланишининг олдини олиш, умуман айтганда, ҳақиқатни қарор топишда руҳини муҳофаза қилиш идораларига яқиндан ёрдам бериб келди.

Т.Исломовнинг мамлака-тимизда суд экспертиза фанини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳукуматимиз томонидан эътирф этилди. 2001 йилда у "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Захматқаш олим, меҳри-бон устоз, камтарин инсон Т.Исломовнинг ёрқин хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

Бир гуруҳ дўстлари ва шоғирдлари



Тоғ дараси

Muammo va echim

"НИКОҲДАН ЎТИШГА РУХСАТ БЕРИЛДИ"

қонунга хилоф ушбу ёзув сарсончиликка сабаб бўляпти

Маълумки, Оила кодекси-да "Никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш" бўйича алоҳида модда киритилган. Бу моддага асосан ол-дин никоҳдан ўтувчи ҳар бир йигит-қиз тиббий қўриқдан ўтиши ихтиёрий бўлиб, фақат никоҳланувчи шахсларнинг розилиги билангина амалга оширилар эди.

Бугунги кунда кодексга ўзгартириш киритилиб, никоҳ-ланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтишлари мажбурий-лиги белгилаб қўйилди. Ҳар бир йигит-қиз давлат соғлиқ-ни сақлаш тизими муассаса-ларида бепул тиббий қўриқ-дан ўтади. Бу борада Вази-рлар Маҳкамасининг 365-сон-ли қарорига асосан қабул қилинган "Никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқ-дан ўтказиш тўғрисида"ги Низом талабларига риоя қилиниши керак.

Маъмур Низом талабига қўра ҳар бир туман ёки ша-ҳар марказий поликлиника-си қошида никоҳланувчиларни тиббий қўриқдан ўтказиш ко-миссияси ташкил этилди.

Унинг таркибига мутахассис шифокорлар киритилган. ФХДЭ идораси никоҳланувчи шахсларни уларнинг яшаш жойидаги тиббиёт муассаса-сига йўланма билан юбора-ди. Йўланма тиббиёт муас-сасасида, албатта, рўйхатга олиниши шарт. Тиббий қўриқ-дан ўтказилган никоҳланувчи-ларга Низомда белгиланган тартибда далолатнома тўлди-рилади. У тиббиёт муассаса-сининг думалоқ муҳри ва та-рғаси билан тасдиқланади, фХДЭ идораси тўлиқ қўриқдан да-қайд этилган талаблар ба-жарилган ҳужжатгина ФХДЭ идораси томонидан қабул қилинади. Никоҳланувчилар никоҳи шундан кейингина қайд қилинади. Бузиб ёшар-ни никоҳдан ўтказишга йўл қўйилмайди.

Лекин "Навоийот" бир-лашмаси қошидаги шифохо-на шифокорлари Низомда кўрсатилган шаклини тўлди-риш ўрнига тиббий қаргалар-ни никоҳланувчиларнинг қў-лиларига бериб, ФХДЭ идо-расига жўнатишди. Кармана ту-ман поликлиникаси врачани

Жўраев томонидан берилган, қозғога (маълумотнома дей-ишга тил бормайди) на сана ва думалоқ муҳр қўйилган.

Вилоятдаги Навбахор, Ну-рота, Қонимех, Хатирчи, Том-ди, Қизилтепа туманлари ши-фокорлари йўланманинг орқа томонига "Никоҳдан ўтишга рухсат берилди" ёки "Тиббий қўриқдан ўтказилди" деган қонунга хилоф ёзувларни би-тиб, ёшларни ФХДЭ идорала-рига юборилган. ФХДЭ идо-раси эса, шубҳасиз, бу маъл-умотни қабул қила олмайди. Икки ўртада эса никоҳланув-чиларнинг оворагарчилиги пайдо бўлади.

Сирасини айтганда, никоҳ-ланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш енгил-ели қараладиган иш эмас. Бу му-ҳим вазифага «мендан кетгун-ча, эгасига етгунча» қабил-ида ёндашиш ярамайди. Шу ўринда буюк бобомиз Амир Темирнинг никоҳ масаласига муносабатини эслаш жоиз: "Ўғилларим, набраларим ва қўнларимни ўйлантир-моқ ташвишда келин из-ламоққа эътибор бердим.

Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлишини насл-насабини, етти пуштини суриштир-дим, хос одамлар орқали соғлиқ-саломатлигини, жисмонан камолотини аниқладим. Келин бўлиши насл-насабини, одоб-ахлоқни, соғлом-бақувватли-ги билан барча қурурлар-дан қўли бўлсагина, эл-юр-та катта тўй-томоша бе-риб, келин туширдим".

Соғлом оила — соғлом жа-мият демакдир. Шу боис оила ва никоҳ масаласи қонунга асосланган. Қонунга риоя қил-маслик, унинг талабларини бузиш ҳазога сабаб бўлади. Шуни ҳисобга олиб Навоий виллояти адлия бошқармаси виллоят соғлиқни сақлаш бо-шқармаси бошлиғи А.Носиров номига баён этилган қамчи-ликларни бартараф этиш юза-сидан тақдирнома киритди.

Ўйлаймики, тақдирномада баён этилган масалалар тез орада ўзининг ихобий ечими-ни топади.

Насиба ТўРАЕВА, ҳуқуқшунос

Nadomat

дoш-уруғларга хатто онанинг юзи-ни очиб қўришга ҳам қўймади. Ак-сига олиб ўша кун қабр тайёр бўлмади — дафн эртаси кўнга қол-дирилди. Кечқурун уч-тўрт аёл қа-фанни очиб қўришмоқчи бўлишга-нида, ўғил уларга пичоқ олиб югур-ди... Ана шу холатлар қариндош-ларга шубҳа уйдотди. Эртаси кунни уни алдаб-сўлдаб қабр бошига юборишиб, ювгични қақришди. Шундан сўнг ҳамма нарса аёл бўлди-қўйди — онаизор нотаовн фарзанд томонидан калтаклаб ўлдирилган эди... Бунки кейинчалик ўтказилган судмедэкспертиза хуло-саси ҳам тасдиқлади. Баттол фар-занднинг аёвсиз зарбалари туфай-ли кекса, касалманд онанинг қову-ргалари 18 жойидан синганлиги, тери пардалари йиртилиб, ички қон кетиш ва қон қуйилиш ҳолатлари рўй берганлиги аниқланди...

Ўғил ўз онасига нисбатан қил-ган шафқатсиз жиноятлари учун одил суд ҳукми билан узоқ муд-датга озоқликдан маҳрум қилинди. Бироқ бундай разозлатли қилмиш кишини беихтиёр инсон, унинг қадр-қиммати, орият, нафсоният ҳақида уйлашга ундайди.

Аслини айтганда, одамзот бу ду-неда қадрига етиб, ардоқлаб яша-шга арзийдиган нарсалар жуда оз. Ота-она меҳрини қозониш, улар-нинг иззат-ҳурматини жойига қўйиб яшаган фарзанднинг ҳеч шубҳасиз, икки дунёси ошоб бўлади. Бироқ ана шу саодатдан мосуво бўлган кимса-чи?! Сирасини айтганда, унга шундан ортиқ жазо йўқ. Сиз бунга нима дейсиз азиз газетчи?! Носир СОБИРОВ, ҳуқуқшунос

Оналарни кўп улуғлаймиз. Она буюк зот, дунёнинг давомчиси, деб унинг номини кўчларга кўтарамиз. Ҳақиқатан ҳам, бизга жону жа-шонини бахш этган, ёруғ дунёни кўзимизга нурафшон этган, ёмон кўзлардан асраб-авайлаб воёга етказган онаизорни қанча улуғласак ҳам кам. Лекин ҳаммамиз ҳам ҳамма вақт оналаримизнинг ҳурмат-иззатини жойига қўя олаемизми, улар меҳр билан бизга берган оқ-сўзини оқлайемизми?..

Ҳаётда баъзан ота-она меҳру муҳаббатини нафақат қадрига етказмай, балки уни кўр-кўрона оёқ ости қилган, топтаган кимсалар ҳам учрайди. Қуйида ана шундай бир воқеа ҳақида ҳикоя қилинади.

Судда, темир панжара ортида бикиниб ўтирган қотилга қарата кимдир суд залидан "Қаранглик унинг қўлини қон!" дея хитоб қил-ганида ҳамма "гу" этиб унинг қўлларига қаради. Разил жиноятчи ҳам бирдан шовиб қолиб, сеска-ни қўлларига қаради, кейин саро-симда синган эшакдек осилиб қолган қўлларни орқасига аширди... Унинг қўллариди энди бир умр ювса ҳам кетмайдиган қон излари қол-ган эди...

Аҳад Иброҳимов жўдан буён тайинли бирон-бир кўпдан ишламас, ичкиликка буткул ружу қўйган эди. Ичиб келган кўнлари хотини Дило-робга сикконинг ити минг танга бўлиб кетарди — эр арзиманган ба-хона топиб жанжал-тўполонли бош-ларди. Ушлаб олса, аямий дўпқос-қотди. Етмиш олти ёшга кирган кекса онаси Мансура Иброҳимова мабодо жанжалга аралашиб қолса, унга ҳам қўл кўтаришдан тоймас-ди. Бундай жанжаллар сурункасига анчагача давом этди. Шўрлик ке-лини неча марта ҳаммаёғи мома-та-лоқ бўлиб, нобакор эр устидан ши-корят қилиб ҳуқуқ-тартибот идора-ларига бормоқчи бўлганида онаиз-ор ҳар гал уни авраб-алдаб, бу ни-ятиндан қайтарган, бир кун эси кириб қолар-ку, деган умид билан яярди. Ўзининг-ку, неча марта лаб

риб, ҳеч нарсани билмагандай юра-верар эди. Бу нобакор онасига қўл кўтарибди-ку, деган инсондан ор қиларди кампир бечора.

Кўнлар ана шу зайлда ўтаверди, бир кунни жанжал-тўполонлардан ўзига тегишли хулоса чиқармади — энди кекса кампирнинг қўлидан на-фақа пулини юлқиб олиб, унга фа-қат нон пули қолдирадди. Қарин-дош-уруғлар, қўни-қўшиллар, ма-ҳалла фаоллари уни ўртага олиб қанча инсофга қақришди; уришиш-ди, бироқ ҳеч фойдаси бўлмади. Муштирап она касалиғи туфайли деврили юромай қолган, ҳассасига

СУД ОЧЕРКИ

ЧИЛИБ ЁТГАН ТЕМИР-ТӨРСАҚЛАРНИНГ ШАРАҚЛАГАН ОВОЗИ ЭШИТИЛДИ

Юг-риб ташқарига чиқди. Қараса, ҳов-лига чиққан онаси темир-төрсак-ларга қонилиб, йиқилиб ётган экан. Ўғилнинг жини қўзди, қўзи қонга тўлиб, ярим тунда онасини оғизга келган сўзлар билан ҳақорат қила бошлади. Бундан қониқиб топмай, ваҳшат билан унинг қўлидан ҳас-сасини юлқиб олиб, дуч келган жойига жазавога тушиб, аямасдан ура бошлади. Шундоқ ҳам жони омонат турган онаизор шўрлик ус-тига-устак тушган зарбаларга ав-вал охижона қаршиллик кўрсатишга уринган бўлса, кейин кимилмай қолди... Нобакор ўғил жазавадан ту-шиб, ўзига келганида аллақачон кеч

ўзи ювиб, ўзи қафанлади. Ҳамма ишни пухта қилган, фарзанд қўни-қўшни, қариндош-уруғларни жано-зага айтиб чиқди...

Ҳамма тўпланган, қариндошлар ювгични қақриб келиш тараддушга тушишди. "Ҳожати йўқ, — деди ўғил уларга ўқрайиб. — Ўзим она-ни ҳалол-покиза ювиб, қафанлаб қўйганман!" Қариндошлар ювгични қақришмасе бўлмаслигини айти-шиб, қафанлаб қўйилган онанинг жасадига яқинлашмоқчи бўлишга-нида, ўғил ваҳшат билан қўлига пи-чоқ олди. "Қайсинг яқинлашсанг, ўлдирман, — деди у оғзидан қўпик сачратиб. — Онам кеча темир-төрсакларнинг устига йиқилиб тушиб ўлди, қўқарган жойлари бори, одам-лар қўрса, били уриб ўлдирди, дейишларини истамайман!" Шу тариқа нобакор ўғил қарин-

ИНСОН ВА ҚОНУН
МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан
нашр этилади

Бош муҳаррир: Шодикул ХАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ
Бўритош МУСТАФОЕВ
Пўлат САМАТОВ
Хуршид СОДИҚОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Сайфилдин РАҲИМОВ
Фафур АБДУМАЖИДОВ
Махдум САТТОРОВ
Исом ХАМРО
Ҳоли НОРБЎЙ
Нормейли НОРТЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлма-лар эгаларига қайтарилмайдиган ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрлиғи учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизай